

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

ЭШБЕКОВ Дурбек Шерали ўғли
ЎзДЖТУ таянч докторанти (PhD)
E-mail: d.eshbekov@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда миллий Парламент шаклланиши дастлаб Олий Кенгаш сўнгра Олий Мажлис унинг фаолияти, иш юритиш мазмун-моҳияти билан янги, замонавий парламентга айланган. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг олиб борилиши мамлакатимизда демократик янгиланиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўли саналади.

Калит сўзлар. Олий Кенгаш, Олий Мажлис, икки палатали парламент, Сенат, Қонунчилик палатаси.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги йилларида сиёсий тизимида жамият ҳаётини эркинлаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилиб, халқимизнинг манфаатларига тўла жавоб берадиган демократик давлатчилик асослари яратилди. Ҳозирги шароитда олий вакиллик қонун чиқарувчи орган бўлган – Ўзбекистон Олий Мажлисининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши маълум тарихий босқичларни босиб ўтди. Мамлакатимизда парламентнинг шакллантирилиши демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятининг амалда бўлишини тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Демократик давлатчиликни шакллантириш, ўз навбатида, бир қатор ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ мураккаб ва давомли сиёсий жараёндир. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган икки палатали парламент шакллантирилиб, юқори ва қуйи палаталар фаолияти институционал, функционал тизимлаштирилди.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат органлари ва халқ ўртасидаги мулоқот механизмини шакллантиришда «парламентимиз

хақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиб» бормокда³¹ деб такидлаганлар.

Жаҳон амалиётида қонунчилик ҳокимиятининг тартиб-қоидалари ва ташкил этиш шакллари ўзининг ранг-баранглиги билан характерланади. Дунёдаги ҳар бир парламентнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган, тарихий ва сиёсий шарт-шароитларга мос тартиб-қоидалари мавжуд.

Дунёда парламентларнинг шаклланиши демократия, очиқ фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тушунчалари билан чамбарчас боғланиб кетади. XXI асрнинг бошларига келиб тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Фуқаролик демократияси тўғрисидаги тасаввурларни одамлар аввало, давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар.

Ушбу қарашларга кўра, замонавий парламентни фақатгина халқ олий вакиллик органи сифатида қабул қилиш нотўғри бўлади. Улар фикрича, парламент анча кенгроқ маънони англатиб, “замон чақириқларидан орқада қолмаслик учун тирик организмдек фаолият юритиши керак” деган фикрлар билан тўлдирилади.

Яна бир гуруҳ мутахассислар парламентни “бир томонлама маълум ҳуқуқий нормаларга бўйсунувчи ташкилот сифатида, иккинчи томондан эса депутатлар ва парламентда фаолият юритувчи бошқа тирик кишилар бирлашмаси сифатида қарашни” таклиф этмоқдалар

Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти мунтазам давом этувчи жараёндир. Умуман олганда, Ўзбекистон парламентаризмининг энг янги тарихи учта асосий даврга бўлиб ўрганилади:

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар;

Иккинчи давр: 1995-2004 йиллар;

Учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача³²

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган пайтда 1990 йил февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи – Олий Кенгаш фаолият

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.:

«Ўзбекистон» 2017 й. -Б.-33.

³² <http://www.parliament.gov.uz/uz/history/>

кўрсатмоқда эди. Ўзбекистон демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан бориб, бирданига Олий Кенгашни тарқатиб юбормади. У 1990-1994 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон дастлаб собиқ Иттифоқ тузумидан мерос бўлиб қолган қонунлар доирасида иш бошлади. Шу боисдан Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни амалга оширишга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан борди. Олий Кенгаш мамлакатимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Президентини сайлади, Мустақиллик Декларациясини, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий қонунни ва бошқа муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқди ва қабул қилди. 1990-1994 йилларда Олий Кенгаш кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилди.

1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган Республика Олий Кенгашининг XIV сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида” қонун қабул қилинди. Уларда қонунчилик соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш зарурати кун тартибига кўйилди. Негаки, биринчидан, собиқ Иттифоқ давридан қолган бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамон амалда бўлиб, улар мазмун ва моҳияти жиҳатидан янгиланаётган давлат ва жамият учун мутлақо мос келмас эди, кўйилган мақсадларни амалга оширишга монелик қиларди.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкуравий таъсирдан ҳоли, халқнинг ўзига хос тарихий, ахлоқий-маънавий қадриятларига мос келадиган адолатли, демократик-ҳуқуқий давлат қуриш, тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлидан бориш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳуқуқий асос бўладиган янги қонунлар яратиш зарур эди. Бу борада ривожланган мамлакатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш лозим эди.

Ушбу қонунга кўра, Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг шаклланиши, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиботлари, иш юритиш мазмун-моҳияти билан янги, замонавий парламент бўлиб, аввалги Олий Кенгашдан қуйидагилар бўйича фарқ қилади:

Олий Мажлис эса мустақил Ўзбекистон давлатининг олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни мустақил амалга оширади.

Шунингдек, Олий Мажлис фаолиятида хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди.

Иккинчидан, мустақилликдан олдин Олий Кенгаш сайловига ҳокимият органлари томонидан ягона номзод тавсия этиларди ва сайланарди. Олий Мажлисга эса депутатлар сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилади. Шу тариқа, Олий Мажлис вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳонда эътироф этилган демократик тамойиллари асосида шаклланди.

Учинчидан, аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Олий Мажлисга сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди. Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланади. Республика фуқаролари сайловларда, номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишини эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик сифатларини ва сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини инобатга олиб овоз бериш имкониятига эга бўлдилар.

Тўртинчидан, мустақилликкача бўлган даврда Олий Кенгаш профессионал шаклда фаолият юрита олмас эди. Унинг вазифаларини Олий Кенгаш Президиумига сайланган кичик бир гуруҳ депутатларгина доимий ишлаб амалга оширардилар, холос. Олий Мажлис фаолиятида эса депутатларнинг бир қисми доимий асосда фаолият олиб бориши белгиланган. Депутатларнинг кўпчилик қисми эса олдинги хизмат вазифаларини депутатлик ваколати билан қўшиб олиб боради, сайловчилари билан яқиндан алоқада ва мулоқотда бўлади. Икки палатали Парламентга ўтиш ғояси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Шундан сўнг 2002 йил январь ойида референдум бўлиб ўтди. Ўзбекистон аҳолиси бундай парламент ислохотини қўллаб-қувватлади. 2002 йил апрель ойида “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинди.

Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 27 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар.

Шу ўринда маҳаллий олимларнинг, Ўзбекистода ҳозирги кунда икки палатали парламентга ўтиш учун барча шароитлар етарли. Жамият ҳаётининг

деярли барча соҳаларида бошқарувни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди³³. Деган фикрлари бунинг далидир.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг олиб борилиши мамлакатимиз демократик янгиланиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгарилаб бораётганининг ёрқин ифодасидир. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган барча ислохотларнинг босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилиши бевосита давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги, жумладан, парламент соҳасидаги ислохотларга ҳам тааллуқлидир.

Парламентаризм тараққиётининг бош тенденцияси шундан иборатки, парламентлар ижтимоий турмушда марказий ўрин тутадилар. Табиийки, ҳар бир давлат парламентнинг тузилиши ва унинг фаолият кўрсатиш масалаларини ўзича ҳал этади. Лекин бу парламент амалиётида ҳисобга олинмаган умумий белгилар бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди. Шу муносабат билан парламент институтлари қарор топиши ва ривожланиши тажрибаси ўрганилишини таъминлаш, тарихда уларнинг аҳамияти ва ўрнини англаш, улар жамиятнинг ҳозирги тадрижий тараққиёти ва моҳиятини тушуниб етиш, келгусида уни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиш жуда муҳимдир.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи органини шакллантиришда халқимизнинг бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибаларидан фойдаланилди. Шунингдек, дунё парламентаризми тараққиёти ва анъаналарининг ижобий тажрибаларидан унумли фойдаланилди. Ўзбекистон мустақиллик йилларида миллий Парламент ўзининг 4 та тараққиёт босқичини босиб ўтди. Яъни, 1991-1994 йиллар, 1991-1994 йиллар, 1995-2004 йиллар, 2005-2017 йиллар ҳамда 2017 йилдан бошланган босқич ҳозирги кунгача давом этмоқда. Олий вакиллик органининг бундай ривожланиши Ўзбекистонда демократик ислохотлар босқичма-босқич ҳамда изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тарққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.
2. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон

³³ Ҳ.Т. Одиқориев, И.Т.Тулътеев. Икки палатали парламент.-Т., 2005.Б. 13.

давлатини биргаликда барпо этамиз Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон» 2017

4. Ҳ.Т. Одилқориев, И.Т.Тулътеев. Икки палатали парламент.-Т., 2005

5. Мухамеджанов А.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш.– Т., 2004

6. «Сиёсий партиялар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 10.12.2019 й.,03/19/590/4129-сон // <https://lex.uz>.

"Innovations in Science and Technologies"